

ҲИҚИҚ



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2006-yil 1-noyabr, № 44 (513)

Республика Бош прокуратурасида

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2006 йилнинг 9 ойидаги фаолияти яқунлари муҳокама қилинди.

Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра 222 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармаган 99585 нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини қўзғаб судларга 121 млрд. сўмликдан ортқ 41 мингдан зиёд даъво аризалари киритилди. Лекин пул маблағларининг ҳаққий ундирилиши етарли даражада таъминланмаган.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш оид қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан етарли прокурор назорати амалга оширилмаганлиги сабабли айрим ҳудудларда мuddати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик салмоқчилигига қолмоқда.

Фуқароларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақалари ўз вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқлари қафолатланишига қаратилган қонунлар ижроси юзасидан айрим мутасадди идоралар томонидан қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги эътироф этилиб, бу борада прокурор назоратини кучайтириш



лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳўқуқларини хиймоялаш, қишлоқ ҳўжалигидаги суиистеъмоликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш бўйича фаолият самарадорлигини тубдан яхшилаш, айниқса кузги мавсумда экин ерларини шудгор қилиш учун техникалар тайёргарлигига жиддий эътибор қаратиш ҳақда кўрсатмалар берилди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларини амалга оширишга бағишлаб ўтказилган йўналишда йирик корхоналар ва касаначилик ўртасида кооперациялашни йўлга қўйиш, мева-сабзавотчилик-саноатини ривожлантириш, уй-жой фондиди 2006-2007 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва бошқа соҳаларда қонун ҳўжатлари ижроси юзасидан қайд этилган камчиликларни бартараф этиш, қўйилган вазифаларни амалга оширишда прокурорлик назоратини кучайтириш талаб этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»-ги қонун ижроси бўйича мутасадди идоралар фаолиятида жиддий кам-

чиликлар мавжудлиги қайд этилиб, бу соҳада қонунийликни таъминлаш юзасидан прокурорларга қатъий чоралар кўриш топширилди.

Прокурорлар олдига вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳиймояси ва таълим-тарбиясига оид қонунлар ижроси устидан назоратини янада кучайтириш, болалар қаровсизлиги, улар ўртасида ҳўқуқбузарлик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича жойлардаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Бош прокуратура ҳўзуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти томонидан бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг ундирилиши, солиқ, валютага оид жиноятлар ва жинойий даромадларни легаллаштириш ҳолатларининг олдини олиш, тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ҳамда давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириш ишларидаги камчиликлар танқид қилинди, бу йўналишдаги ишларни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиб, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик таъминланиб келин-

ган. Кўрилган чораларга қарамасдан, республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг сони 3,5 фоизга кўпайган. Шу жумладан, жиноятларнинг ўта оғир турлари, қасддан одам ўлдириш, номуьсага тегиш жиноятларининг ўсиши кузатилган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада кучайтириш, бу жараёнда жамоатчилик имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд қилинди.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговнинг сифатини яхшилаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида қилинган ишлар таҳлил қилиниб, дастлабки тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг тўлиқ ундирилиши жиддий эътибор қаратиш лозимлиги эътироф этилди.

Мажлисида судлар томонидан жинойий жазо тайинлаш амалиёти, судда прокурор ваколатини таъминлаш аҳоли атрофида кўриб чиқилди. Жиноят ишлари бўйича давлат айбловини қувватлашда прокурорлар ваколатлари судлар томонидан қонуний ва адолатли ҳўқуқлар чиқарилишига қаратилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Мажлиснинг кун тартибидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида»-ги Низомнинг бажарилиши аҳоли муҳокама қилинар экан, бу борада прокурор назоратини таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш лозимлиги қайд этилди.

Шунингдек, мажлисида Хоразм вилояти прокуратураси органларида ишларнинг ташкил этилиши, ижро интизомига риоя қилиниши аҳолини ўғраниш натижалари муҳокама қилиниб, вилоятда қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида прокурор назоратини ташкил этишдаги камчиликлар жиддий танқид остига олинди.

Республика Бош прокурори томонидан барча прокурорлар олдида қонунлар ижросига бўлган муносабатни кескин ўзгартириш ва назорат фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокуратура ҳайъати томонидан кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Юсулбой Фоййлов,
Республика Бош прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси бошлиғи
А.ТўПАЕВ олган суратлар.

Халқаро ҳамкорлик

Истиқболли учрашув

2006 йилнинг 28 октябрь куни Андижон вилоят прокуратурасида прокуратура, жиноят ишлари бўйича судьялар, МХХ вилоят бошқармаси ва вилоят ИИБ терговчилари иштирокида 2006 йил 3 октябрь кунги Ўзбекистон ва Қирғизистон Бош прокуратуралари ўртасида имзоланган «Ҳўқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида»-ги битимни ҳаётга тадбиқ этиш масаласига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинарда мазкур халқаро ҳўжатнинг бугунги кунда миллий ҳавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти, конституционий тузумни куч билан ўзгартиришга қаратилган жинойий тажовузуларга барҳам бериш, наркотик воситаларнинг ноқонуний муомаласи, иқтисодийёт соҳасидаги ҳамда бошқа уюшган жиноятчиликнинг турларига қарши курашдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилди. Эеро, тергов ҳаракатлари бўйича ўзаро топшириқларни бажариш, ҳўжатларни қидириш ва тақдим қилиш, жиноятлар тўғрисида икки давлат

ҳўқуқ идоралари ўртасида тезкор-қидирув ҳаракатларини амалга ошириш ҳамда бошқа ҳўқуқий тадбирларни амалга ошириш масалаларидаги ўзаро алоқалар тартиби мазкур ҳўжатда ўз аксини топган.

Ушбу ҳўжат айниқса чегара минтақалари, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоят прокуратуралари, МХХ, ИИБ ва бошқалар учун катта аҳамиятга эгадир.

Анжуманда, мазкур ҳўжат жиноятчиликнинг трансмиллий кўринишларига, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишни кучайтириш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш борасида юзага келаётган ҳўқуқий масалалар халқаро ҳўқуқ тамойиллари асосида ҳал қилинишига, қўшни давлат ҳўқуқ идоралари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилишига хизмат қилиши эътироф этилди.

Дониёржон МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

БОЛАЛАР ҲЎҚУҚИГА БАФИШЛАНДИ

31 октябрь куни Республика Бош прокурори Р.Қодиров ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шарқий Европа, МДҲ бўйича минтақавий директори Мария Каливис хонимни қабул қилди. Мазкур йўналишда Мария Каливис хоним қабул учун Бош прокурорга миннатдорчилик билдирар экан, халқимизнинг меҳмондўстлиги ва юртимизнинг мафтуноқдорлигини эътироф этиди.

Шунингдек, Мария Каливис хоним мамлакатимизда вояга етмаганлар соҳасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, Фарғона водийсига ташриф буюргани ва Фарғона мисолида Ўзбекистонда бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг гувоҳи бўлганини айтди. ЮНИСЕФ вакили мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлиги, болалар ўлимининг олдини олиш борасида давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан маҳаллалар ўртасидаги ҳамкорликнинг яқши йўлга қўйилганига эътибор қаратди.

Ўз навбатида Республика Бош прокурори Р.Қодиров меҳмонларни қизиқтирган масалалар ҳақида гапирар экан, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташкил этилиши, иш тартиби, тармоқлари ва аъзолари ҳақида маълумот бериб ўтди.

Бош прокурор ЮНИСЕФ вакили саволларига жавоб бера экан, 11 миллион вояга етмаганлар камол топаётган республикамизда бу йўналишда олиб борилаётган давлат сийосатининг туб мухияти бахтиёр авлодни, келажагимизнинг муносиб ворисларини тарбиялашдан иборатлигига ургу берди.

Учрашувда, шунингдек, Бола ҳўқуқини ҳиймоя қилиш бўйича халқаро маслаҳатчи Шима Баркин, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили Ризо Ҳўсайиний, Бош прокуратура бўлим бошлиқлари Т. Умаров, Б. Абдувалиевлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги олдидан

ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Ҳақиқат қиёслашларда намоён бўлади. Яқин ўтмишда, истиқлолга бўлган даврдаги тоталитар тузум бош қонунининг мазмун-моҳияти умумэтироф этилган демократик қадриятларга тамоман зид эди. Коммунистик мафкура ғоялари муллок ҳақиқат даражасига кўтарилиб, уларга кўр-кўрона эътиқод қилиш қонулаштирилган. Ҳар қандай ўзга сиёсий қарашлар, эътиқодлар қонундан ташқари деб эълон қилиниб, таъқиқланганди. Якопартия-виллик шароитида яқо ҳокимият партия жамиятнинг етакчи кучи сифатида давлат бошқарувининг барча бўлин-ларини қўлга олганди. Фуқаролар қонунга эмас, партия кўрсатмаларига бўйсуниб, унинг маҳдуд ғояларига занокирбанд бўлиб яшашга маҳкум этилгандилар. Инсон ҳуқуқлари, сўз, фикр, иход, эътиқод, хаёт тарзини танлаш эрки гинпа бўлган фуқаролар боқимандага айлиниб, ташаббуслари сўниб, табиат инъом этган қобилиятларини рўёбга чиқариш имконияти йўққа чиқарилган жамият аввал бошдан инқирозга юз тутиши мумкин эди.

Ўтмишда, мамлакатимиз рас-ман Республика деб эълон қилин-ган, аслида юртимиз мустамакла-

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг орадан бир йилдан зиёроқ вақт ўтгач, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрь кўни Конституцияимиз қабул қилинди. Янги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қонуний асоси, пойдевори қўйилди. Жамият жадал тараққий этиши жараёнида ҳаётнинг ўзи Конституциянинг айрим боғларига қўшимча ва ўзгаришлар киритишни тақозо этди. 2003 йил 24 апрель кўни бош қонуннинг 4 та бобига киритилган қўшимча ва ўзгаришлар қисқа фурсатда мамлакатимизда ўтказилган демократик ислохотлар натижасида вуқудга келган янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлади.

ловчиларнинг 99,8 фоиз қатнашиб, кўрсатилган бирдан-бир номзодага 100 фоиз овоз берганлари ҳақидаги сайлов натижаларини халқнинг хоҳиш-иродаси тарафида шарҳлашнинг ўзи мунофиқликдан бошқа нарса эмасди.

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришга кириш-ган халқимизнинг хоҳиш-иродаси нини ўзида мужассам этган Конституцияимизда умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверени-тети ғоялари ўз ифодасини топиб, амалқила бошлади. Фуқаролар дав-латга эмас, давлат фуқароларга, халққа хизмат қилиши, сайлаб қўйи-ладиган ҳокимият органлари вакил-ларининг, ҳокимият идоралари хо-димларининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари, ҳуқуқ ва бурчлариға амал қилишлари белгилаб қўйилди. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкуриси сифа-тида ўрнатилмаслиги қайд этилиб, жамият тараққиётининг асослари-

дан бири— турли сиёсий қарашлар-нинг, нуқтаи назарларнинг, эъти-қодларнинг ўзаро баҳси, рақобати, қонун чиқарувчи ҳокимият тизими-даги вакиллар орқали ўз сиёсий-иқтисодий йўлини ўтказувчи сиёсий партияларнинг эркин фаолияти ка-фолатланди. Фуқароларнинг дек-ларатив эмас, балки ҳақиқий сиё-сий нуқтаи назарларини ифодалов-чи партия вакилларини ҳокимият органларига сайлаш орқали жамия-т бошқарувида иштироки таъмин-ланди. Ростмана сайлаш ва сайла-ниш ҳуқуқидан фойдалана бошла-ди. Ҳуқуқий фуқаролик жамияти-нинг иқтисодиривожланиб, халқ тур-муши яшиланиб боришини таъ-минловчи рақобатнинг ўзати— ҳу-сусий мулк ҳуқуқи тикланди. Мулк-чиликнинг турли шакллари қонун-лаштирилди.

Х.МИРЗАЕВ,
Республика Бош
прокуратурасининг
бошқарма терговчиси

14 тонна спирт ушлаб қолинди

Алкогол маҳсулотларининг республикамиз-га контрабанда йўли билан олиб келиниши ва сотилиши давлатимиз манфаатларига, иқтисо-дийётимизга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсат-масдан қолмайди. Негаки, бундай маҳсулотлар кўп истеъмол қилинадиган товарлар жумласига кирди. Шунинг назарда тутган ҳолда, бу турдаги товарларнинг республикамизга кириб келиши-нинг олдини олиш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Тошкент туманида ана шундай тад-бирлардан бири ўтказилди. Олинган тезкор



маълумотларда маъкур туманининг Қозоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудуддан катта миқдорда спирт маҳсулотлари олиб ўтилиши айтилганди. Шунга мувофиқ барча айланма йўллар назоратга олинди. «Карвон» узок кут-тирмади. Алишер Навоий жамоа «ўжалиги ҳудудда Тошкент шаҳри томон ҳаракатланаёт-ган «КамАЗ» русумли, 10 S 55-43 давлат рақамли юк машинаси департамент ходимла-рида бироз шубҳа тўғридандек бўлди. Б.Бой-жигитов бошқарувдаги юк машинаси тўхта-тилиб, юкюна кўздан кечирилди. Унинг орқаси-да бўзгагача ёғоч қипиқлари билан тўлдирил-ган халталар чиройли қилиб таҳданганди. Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек эди. Лекин халталар бирма-бир олинган, коса тағида ним-коса борлиги очик ойдин кўзга ташланиб қол-ди. Юкюнага махсус ўрнатилган турли ҳажм-даги цистерналарда 14 минг литр Қозоғистон-да ишлаб чиқарилган спирт жойланган экан. Машинанинг тағ қисмида махсус кранлар ўрна-тилган бўлиб, улар юкюнадаги цистерналарга уланган экан. Тегириқда бу «иқтироз» эгалари



С.Мирсодиқов, Б.Мамадалиев, Б.Бойжигитов ва Т.Норбековлар озғига мум тишлаб қолиш-ди. Хозирда қарий 14 тонна, умумий баҳоси 10 млн. 691 минг 400 сўмлик спирт ҳамда «КамАЗ» юк машинаси далилий ашё сифатида олиб қўйилиб, «иқтирозчилар» устидан жиноят иши кўзғатилди.

Ф.ҲАМДАМОВ,
департаментнинг Тошкент вилояти
бошқармаси бўлим бошлиғи.
Б.ЖАББОРОВ,
бошқарма катта инспектори

Жиноятчиликка қарши курашув-чи идораларнинг қонунларни ижро этишларини назорат қилиш ва уларнинг қонуларни қўллашга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш — прокуратура органлари-нинг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Шундай экан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ҳамда Республика бош прокуратуранинг бу борадаги буйруғига амал қилган ҳолда, маъкур соҳага оид қонун-ларга риоя этилиши устидан назо-

шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги қайд этилган.

Бундан ташқари, ЖКнинг 64-моддасида муддатларнинг ўтиши содир этилган қилинишини тас-нифлашишга қараб ижтимоий ҳаф-фи катта бўлмаган жиноятларга — уч йил, унча оғир бўлмаган жиноят-ларга — беш йил, оғир жиноятлар-га ўн йил, ўта оғир жиноятларга — ўн беш йил белгиланган. Жиноят-лар эса ўз хусусияти ва ижтимоий

ўта оғир жиноятлар доирасига кир-са-да, аммо уларни тугатмаслик ҳам қонунга зиддир.

Масалан, 1990 йилнинг 4 август-ида Бўқа туманининг ҳозирги Б.Умаров номи ширкат ҳўжалиги ҳудуддан қилдирилган аржидан ўткир кесувчи предмет билан етказилган тун жароҳати оқибатида ўлимга сабабчи бўлган вояга етмаган А.Мамадалиевнинг мурдаси топил-ган. Туман прокуратураси ҳолат юзасидан Ўзбекистон ЖКнинг 80-

тида ўтиб кетганлиги инобатга оли-ниб, терговчининг қарори билан жиноят иши тугатилди.

Шунингдек, туман ИИБда ма-жуд бўлган 232 та тўхтатилган жи-ноят ишлари назорат тартибида ўрганилганда, улардан 66 таси му-ддати ўтганлиги учун тугатилди. Шун-дан иқтисоти ЖКнинг 272-моддаси ўз кучини йўқотганлиги учун туга-тилган. Қолган муддати ўтган жи-ноятлардан 55 таси ўғирлик, 9 таси фирибгарлик, безорилик ва бошқа

ҚОНУН ИЖРОСИ — УСТУВОР ВАЗИФА

рат қилиш жараёнида жиноий жа-вобгарликка тортиш муддатини аниқлаштириш мақсадида тўхта-тилган жиноят ишларини ҳам на-зорат тартибида ўрганилиши мақ-сада мувофиқлиги куриномқда. Чунки, Жиноят-процессуал кодек-сининг 84-моддаси 1-қисмининг 1-бандига кўра, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтгани жиноят ишини тугатиш учун асос бўлишига белгиланган. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати эса жиноят содир этилган кундан эътиборан ҳисоб-ланади. Шунинг учун ҳам амалда-ги ЖКда жиноят содир этилган кундан бошлаб 25 йил ўтган бўлса,

хавфлилик даражасига қараб тас-нифланади.

Лекин шу билан бирга, ЖКнинг маъкур моддасида назарда тутил-ган муддатларнинг ўтиши тинчлик ва инсониятнинг ҳавфсизлигига қарши (урушчи тарғиб қилиш, аг-рессия, генотцид, елланшиш, терро-ризм) содир этган шахсларга нис-табан қўлланилмайти.

Муддатларнинг ўтишига оид ту-манда жорий йилда 14 та тўхтатил-ган жиноят ишлари назорат тарти-бида ўрганилганда, жавобгарлик-ка тортиш муддатининг ўтиб кет-ганлиги боис улардан тўрттаси туга-тилган. Бу жиноятларнинг бар-часи, гарчи қасдан содир этилган

моддаси 6-банди билан жиноят иши кўзғатилган. Аммо жиноят фош этилмаганлиги сабабли дастлаб-ки тергов 1992 йили тўхтатилган.

Маъкур жиноят айна пайтада амалда бўлган ЖКнинг 97-модда-си 2-қисми «ж» бандига қўра мала-каланганда, айбни оғирлаштурув-чи ҳолатларда, яъни ўта шафқат-сизлик билан, қасдан содир этил-ган ўта оғир жиноятлар туркумига кирди. Лекин ЖКнинг 64-моддаси 1-қисми «г» банди талаби бўйича жавобгарликка тортиш муддати — жиноят содир этилган кундан бош-лаб 15 йил деб белгиланган. Шу боис жиноий жавобгарликка тор-тиш муддати 2005 йилнинг август-

шу каби жиноятларни ташкил эта-ди.

Жумладан, номаълум шахс 1998 йилнинг 4 ноябрида Бўқа туманида яшовчи Т.Худойбердиевнинг уйи-дан бир бош қорамолини ўғирла-ган. Ушбу ҳолат бўйича туман ИИБ томонидан ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзга-тилиб, дастлабки тергов ҳаракат-лари олиб борилган. Лекин жиноят содир этилган вақтдан эътиборан беш йил давомида очилмай, му-ддати ўтганлиги учун ҳозирда бу иш тугатилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
Бўқа туман прокурори

Ўзбошимчалик оқибати

Шу йилнинг эрта баҳори. «Тошшаҳар-газтаъминот» корхонасининг пойтахт ту-манларидан биридаги филиали ходимла-ри — бош муҳандис К.Парпиев(айрим са-бабларга кўра исм ва фамилиялар ўзгар-тирилган), уста Ж.Мусаев ҳамда назорат-чи А.Ёқубовалар туман аҳолисида газ учун пул тўловларини ўндириш мақсадида худудни айланиб юришганида гоҳида уч-раб турадиган, айрим фуқаролар томони-дан йўл қўйиладиган қонунобузлиш хола-тига гувоҳ бўлишди.

Фуқаролардан бири уйига новвойихона қурган бўлиб, тандирга газни ўзбошимча-лик билан улаб олган экан. Одатда бундай ҳолат аниқланса, газдан фойдаланиш тар-моғи узилди ва газдан ноқонуний фойда-ланганлик ҳақида далолатнома тузилиб, махсус инспекция томонидан тегишли органларга юборилади. Ёқилган газ миқ-дорини эса қорхонанинг махсус бўлими ҳисоблаб чиқади. Шундан кейингина жа-вобгарликка тортиш ва пулни ўндириш чоралари кўрилади.

Айна ш эрда Парпиевнинг ҳам ўзбо-шимчилиги тутиб қолади. У хонадон эга-сидан газ қачон уланганлигини сўрайди-да, трубулнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ишлатилган газ миқдорини махсус бўлим орқали эмас, ўзи тахминан ҳисоб-лаб чиқиб, 200 минг сўмлик ишлатилган-лигини айтиди. Агар хонадон эгаси ушбу суммани ҳозир тўласа, газни ўзмай ке-тишлиги мумкинлигини ҳам кистириб ўта-ди. Хонадон эгаси бу сумма унга оғирлик қилишини айтиб, камайтиришни сўрага-нида кўнмасдан, газни ўздириб, тандир-даги горелкани олиб қўяди. Сўнгра оддий қоғозга далолатнома тузиб, айтилган сум-мани идорага олиб келса, горелкани қай-тариб беришини айтиди.

Бировнинг горелкасида вақтинча фойдаланиб келаётган новвойихона эгаси ночор ахволда қолгач, бош муҳандис пара сўрапти деб ўйлайди-да, тегишли орган-ларга хабар беради.

Орадан икки кун ўтгач, хонадон эгаси туман газ филиалига келиб, Парпиевга учрашди ва горелкани қайтариб, сумма-ни камайтиришни илтимос қилади. Бунга Парпиев, «Бунинг иложи йўқ. Газдан фой-даландингизми, бўлди. Ишлатганингиз учун ҳақини тўланг. Горелкангизни қай-тараман», деб жавоб беради.

Хонадон эгаси шундан кейингина мах-сус ишлов берилган пулни унга беради. Парпиев назоратчи Ёқубовага пулни олиб қвитанция ёзиб беришни тайинлайди. На-зоратчи қвитанцияни берган вақтда орган ходимлари кириб келишади.

Ваҳоланки, ана шу қвитанция ҳам пул тўлангач, назоратчи эмас, кассир-конт-роль томонидан тўлдирилиши керак эди. Шундан сўнг маъкур филмалда ўтка-зилган текширувда Парпиев айрим ҳол-ларда нафақат ўзбошимчаликка, балки бе-парволикка ҳам йўл қўйганлиги аниқлана-ди.

Маълум бўлишича, 2001-2005 йиллар давомида «Тошшаҳаргазтаъминот» кор-хонаси билан катор пурадати қорхоналар ўртасида пойтахтдаги уйларга газ ҳисоб-лагичлар ўрнатиш тўғрисида шартнома тузилиб, ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши, улардан фойдаланишни ҳисобга олиш ҳамда ҳаққи тўлаишини назорат қилиш филиалларнинг бош муҳандислари зим-масига юклатилади. Газ ҳисоблагичлар филиал ходимларининг жавобгарлигига берилиб, улар пурадати қорхоналар билан биргаликда ўрнатишлари лоқим бўлса-да, Парпиев билан омбор мудир Зайнудди-нов бўлса тўғридан тўғри бериб юбориш-гани етмагандек, на уларни тегишли тар-тибда ўрнатилишини назорат қилишда, на бажарилган ишлар бўйича ҳўжжат талаб қилишади. Оқибатда «Тошшаҳаргазтаъ-минот» корхонасига 16.081.765 сўмлик зарар етказилди.

Ўзбошимчалик ҳамда бе парволикка йўл қўйган бош муҳандис билан омбор мудир суд томонидан тегишли жазага тортилдилар. Етказилган зарар эса ўнди-рилди.

Элбек ИНОМЖОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси катта
терговчиси

Жойларда аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигини уйғотаётган коммунал соҳадаги аҳвол ҳамон ижобий томонга ўзгармасдан қолмоқда. Бу соҳада хизмат сифатини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйиш бўйича амалий чора-лар кўрилмапти.

Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил 19 октябрда халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан.


Шаҳар прокуратураси корхона ва муассасалар, аҳолини табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Улардан тежамли фойдаланиш, хизмат ҳаққини вақтида тўлаб бориш, бирасидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этмоқда. Ушбу жараёнда хизмат кўрсатиш қорхоналарининг ўзида исрофгарчилик, қонунбузарлик ҳолатлари юзага қалқиб чиқди.

Хусусан, Андижон вилояти «Сувоқав» очиқ акциядорлик жамаиятининг тозалаш иншоотида қуввати 90 ўринга 125 киловатт соатли электр двигатели ишлатилаётгани натижасида бир йил мобайнида 305.900 киловатт соат электр энергияси ортқча сарфланган. «Мундуз», «Боғишамол» каби 8 та сув

зилмагани туфайли кўп миқдорда кредиткорлик ва дебиторлик қарзлар вужудга келган. Кредиторлик қарзлар 476 миллион сўмдан ортиб кетган. Файриқонуний тарзда 38 та ҳолатда жами 423,5 миллион сўм дебитор ҳақдорлик суммаларини бошқа корхона муассасаларга ўтказишга оид уч томонлама битимлар тузилган. 71 марта жами

ўлғачиг асосбини ўрнатмасдан уйда оҳаж пишириб сотиш билан шугулланган. Шаҳар газ қорхонасига салкам 300 миң сўм миқдорда зарар етказган. Хонадонларда газ қорхонасининг равишида оҳаж пишириб сотиш билан шугулланган яна бир қатор фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Аҳолини тўлиқ ва узлуксиз табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш шаҳарни ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. Маҳалла фуқаролар йиғинлари киритган тақлифлар асосида ичимлик ва газ қувурлари ётқизиляпти. Бирок, айрим МФЙ раислари бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланган ҳолатлар аниқланди. Хусусан, Далварзин МФЙ раиси Л.Қосимов хонадонлардан табиий газ ва ичимлик суви ўтказиш учун йи-



Муаммо бор, ечим-чи?

иншоотларида ҳам электр энергияси юқоридаги каби исроф қилинган. Электр энергиясидан ташқари сувни ҳам тежаш чора-тадбирлари кўрилмаган. Чунинчи, Боғишамол даҳасидаги 2-сув насоси ишлаб турганда ҳар соатда 600 литр сув беҳуда оқиб кетгани маълум бўлди. Шунингдек, корхонада техника, меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларига панжа орасидан қаралган. Ходимлар ҳимоя воситалари билан таъминланмаган. Тома-тома кўл бўлур деганларидай, юқоридагидек исрофгарчилик суви ва электр энергияси таъминотида узиллишларни келтириб чиқаради.

«Сувоқав» қорхонаси маъмурияти ҳисоб-китоб юритишда қонунбузилишга йўл қўйган. Амалдаги қонуналарга ҳилоф равишда тўловлар вақтида ўтқа-

бир миллиард сўмдан зиёд миқдорда товар айриб олаш операциялари ўтказилган. Тўлов интизомига риоя қилинмаганиги оқибатида қорхона маъмурияти ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлашни ортга суриб келган. Уларнинг манфаатларига кўп миқдорда зиён етказган. Иш ҳақидан қарздорлик 91,7 миллион сўмдан ортган. Бунга йўл қўйган жамаият раҳбарлари Ж.Санахонов ва М.Халиковларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шаҳардаги айрим кўштинроқ ичидаги «тадбиркор»ларнинг табиий газ қувурларига ўзбошимчилик билан уланиб олишлари туфайли газ узатиш босими пайсабий, аҳолининг эътирозларига сабаб бўляпти. Хусусан, Андижон шаҳрининг «ГЭС» кўчасида яшовчи М.Худойбердиева газ

филган 2 миллион сўмдан зиёд пулларни ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборганлиги маълум бўлди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Юқоридаги каби қонунбузилишларнинг олдини олиш, коммунал хизмат тўловларидаги узиллишларни бартараф этиш юзасидан қонуний чоралар билан бирга жойларда, қорхона ва муассасалар, маҳалла фуқаролар йиғинларида учрашув ва сўхбатлар ўтказиляпти. Зеро, кўрсатилган хизмат ҳаққини ўз вақтида тўлаб борилишига эришиш коммунал хизмат муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаларидандир.

С.ҚОСИМОВ,

Андижон шаҳар прокуратурининг ёрдамчиси

М.АРЗИМБЕТОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Илгари кўпқаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ЖЭК деган ташкилот бўларди. Уша пайтлари аҳоли билан уша «ЖЭК»дагилар ўртасида турли келишмовчиликлар юзага келиб, баъзида жанжалга бориб етарди. Чунки, ЖЭКдагилар ишни ўзибўларчилиқка ташлаб қўйгани боис, ҳеч ким пул тўлашни хоҳлашмасди. Натижада эса кўпқаватли уйларда ачинарли аҳвол юзага келарди. Бугунги кунда бу ташкилотнинг ишлаш тизимини талабга жавоб бермаганлиги учун тугатилиб, улар ўрнида нисбатан кичикроқ худудларга хизмат кўрсатувчи ширкатлар ташкил этилди. Янги ташкилотнинг номи ҳам, тизими ҳам ўзгарди. Улдабурон, ишининг кўзини билладиган раҳбар тайинланган баъзи ширкатлар тез орада кўзга ташланиб, худуд аҳолисининг хурсандчилиғига сабаб бўлди.

Ширкатга нима гаплар?

Хозирги кунда вилоят бўйича 178 та уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият кўрсатмоқда. Юқоридаги ижобий фикрларимиз ана шу ширкатларнинг аксариятига тегишли бўлса-да, баъзилари ҳақида илқ фикрлар айтиш қийин. Негаки, қўлидан иш келмайдиган, фақат ўз нафисини ўйлайдиган кимсалар раҳбар бўлиб қолган ширкатларда аҳвол эски ҳаммом, эски тослиғича қолмоқда. Қайтанга маблагларни талон-тарож қилиш, ҳўжасизлик авж олган.

Жумладан, Самарқанд шаҳар уй-жой мулкдорлари уюшмаси мансабдорлари тўлов интизомини бузиб, амалий чоралар кўрмаганликлари натижасида уюшманинг дебитор қарзлари салкам уч ярим миллион сўмга етган. Шундан 502 миң сўми иш ҳақидан қарздорликдир. Уюшмада фуқароларнинг ариза ва шикоятларини қайд этиш китоби юритилмаган. Келиб тушган 17 та аризадан 10 таси белгиланган мuddатда кўриб чиқилмаган бўлса, айрим фуқароларнинг муносабатлари умуман эътиборсиз қолдирилган. «Маърифат» уй-жой мулкдорлари ширкати 4 та алоҳида ширкатга айлантирилган бўлса-да, баланс ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари юритилмаган.

Текшириш натижаларига кўра, уюшма раиси Х.Шатанова ва бош ҳисобчи С.Элбеков маъмурий жавобгарликка тортилди.

Самарқанд шаҳридаги «Олдуз» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Э.Сариков эса уйларда 3 миллион 136 миң сўмлик ишлар бажарилди, деб сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, 787,3 миң сўмлик маблагни ўзлаштириб юборган. Каттақўрғон шаҳридаги «ТНС Фолиб» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси И.Мирзаев ҳам фуқаролар томонидан коммунал тўловлар учун топширилган 1 миллион 801 миң сўмлик нақд пулларни ўзлаштириб юборишган. Уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур қонун ижроси юзасидан жорий йилнинг 9 ойи давомида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 14 та тақдирнома киритилди. 11 нафар мансабдор шахс қонунбузилишга йўл қўймаглик тўғрисида расман огоҳлантирилди. 17 нафар шахс интизомий, 33 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Сархатилло ХАЛИЛОВ,

Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Ўз ёпинчиғинг қўйма...

Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини жадал ривожлантириш орқали аҳоли ижтимоий таъминотини яхшилаш, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи оилаларга қўлайликлар яратиш каби хайрли ишлар ҳўкумат сўбсатининг устувор вазифаларидан саналади. Бу борада олиб борилаётган илқ илқисодий илқохотлар самараси ўлароқ қайта ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари соҳада учраётган муаммолар, камчиликларни тезда бартараф этиб, худуддаги фуқароларга янада қўлай шароитлар яратиб бераёпти. Хозирда Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган жами 62 та ана шундай ширкатларнинг кўпчилиғида ижобий ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Лекин қиш эшик қоқётган айни шу кунларда барча уй-жой мулкдорлари ширкатларида аҳолини қонқорили деб бўладими? Ушбу тизим фаолияти истеъмолчилар талабига жавоб берадими? Саволларга фактлар орқали ойдинлик киритамиз.

Вилоят марказининг баъзи худудларида аҳоли томонидан уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидан норозиликлар қулқоқча чалинаёпти. Бир қанча кўп қаватли уйларнинг ертўла-лари оқвада сувга тўлиб кетгани боис ёғи мавсумда пашша, чивинлар кўпайиб, атрофни кўланса ҳид тутиши, чиқиндилар учун ахлахоналар йўқлиги, борлари ҳам тоза сақланмаётганлиги, подвез ва зинаполларнинг таъмирталаб эканлиги, юқори қаватларда томдан қишқи мавсумда чакки ўтиши каби муаммолар мутасаддилар томонидан бефарқ қолдирилаётгани ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Биргина «Бехўрус Шўх Омад» УМШ (уй-жой мулкдорлари ширкати)ни олсак, худуд аҳолига оддий санитария-гигиена қоидаларига мутлақо жавоб бермайди. Чиқинди-ю, пашша-

чивинга тўлган ахлахона манзараси киши таъбини хирақиланди. Уни таъмирлаб, санитария-тозалик талабларга мос ҳолда сақлаш ушбу ширкат мутасаддиларини зарарча қизиқтирмай қўйган. Ширкат раиси В.Амонов ҳамда бош ҳисобчи Г.Нуруллаеванинг ўз ишига масъулиятсизларча муносабатда бўлгани натижасида худудда яшовчи аҳолидан коммунал хизматлар учун тўловлар ўз вақтида ундирилмаган. Ҳўш, аҳоли нега коммунал тўловларни ўз вақтида тўламаёпти? Ахир бозорга чиксангиз пулингиз бўлмаса бир килограмм лиёз ҳам сотиб ололмайсизми? Нега энди, газ, электр энергияси, иссиқ сув, совуқ сувдан текинга ёхуд қарзга фойдаланиш керак? Олаверсанг, дарёнинг ҳам суви қурийдми-ку. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни баъзи фуқароларимиз ва қорхона раҳбарлари тушуниб тушунмаганга, билиб билмаганга олишяётгани ажабланарли. Бу эса коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаб бораётган истеъмолчилар ҳўжўқларининг бузилишига олиб келмоқда.

«Бехўрус Шўх Омад» да 5 млн. 399 миң 932 сўмлик мuddати

ўтган дебиторлик қарзининг йиғилиб қолишига ана шундай ҳолатлар сабаб бўлмаётганимикин?

Ширкат раиси В.Амонов ва бош ҳисобчи Г.Нуруллаевани нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига мувофиқ маъмурий ҳўжўбузарликка доир иш қўзғатилиб, шаҳар давлат солиқ инспекциясига тақдим этилди.

Коммунал тўловлар масаласида 6 та кўп қаватли уйга эга «Нихоғ плюс Ёкут» УМШнинг ҳам муаммолари етарлича. Бу худудда тўловларнинг ўз вақтида ундирилмаганлиги натижасида жорий йилнинг 1 сентябрга ҳолатига қарийб 7 млн. сўмлик дебитор қарз, шундан мuddати ўтган дебитор қарз 3 млн. 794 миң 205 сўмни ташкил қилади. Кредиторлик қарзлар эса 7 млн. 458 сўмдан ошган. Қарз «ботқоқ»дан чиқинси эса ширкат мутасаддилари ҳаёлиларига ҳам келтиришмаган.

Насрулло НАСРИДДИНОВ,
Бухоро шаҳар прокуратурининг ўринбосари,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари қирғизистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда 25-26 ёшгача бўлган аёлларни гўё савдогарликка, аслида эса фоҳишаларга ёллаш ва чет элга жўнашти билан шуғулланган, бу ишга ораномусларини ҳам пуллаб юборган жиноятчиларнинг «фаолият»ига чек қўйишди. 42 ёшга кирган водиллик Даврон, унинг тенгдоши Фаргоналик Эргашов ва 38 ёшга кирган Муножотхонлар узаро жиний тил бириктириб, ёш-ёш аёлларни қисқа фурсатда савдо сотиқ билан шуғулланиб кўп миқдорда пул ишлаб топасизлар, деб алдаб чет элдаги ислотхоналарга жўната бошлаганларида кўлга олинди.

самолётга чиқариб қўйди. Бирлашган Араб Амирликларида Замирани Хулкар кутиб олади. Ислотхоналардан бирида фоҳишалар қилиб, пул ишлаб беришга мажбурлайди. Йилгирча етти кундан сўнг гўё танишлари Эронда паспортга виза қўйиб беришлариға ишонтириб, уни Техронга жўнатади. Визасиз мамлакатга кириб келган аёлни полиция ушлаб, самолётда Москвага учиб юборишади. Ушбу ҳолат бўйича Давронга нисбатан жиний иш қўзғатилиб, сўроқ қилинганда у Бирлашган Араб Амирликларига қанча аёлларни чегарадан ўтказиб, ўш шаҳрига жўнатганини айтиб берди.

Терговда аниқланишича, Даврон Фаргона шаҳридаги «Тез тиббий ёрдам»да ҳайдовчи бўлиб ишларди. Ишдан бўш кўнларда шахсий

учди. Дубайга бориш йўл-йўриқларини суриштирди. Раё уни тошкентлик таниш аёлнинг хузурига жўнатди. У пойтахтнинг Дархон маззесидаги кўпқаватли уйда яшарди. Паспортини олиб, ҳужжатларни расмийлаштирди. Тошкент аэропортида БААнинг Дубай шаҳрига учувчи самолётга чиқариб қўйди. Дубай шаҳрида Эргашовни Зилола исмли ўзбек аёл кутиб олди. Сўнгра Шаржа шаҳридаги хонадонлардан бирига элиб қўйди. Бухонадон ислотхона бўлиб, фоҳишалар танфуришлик билан пул ишлашарди. Эргашовнинг омади кутиб, мижозлардан бири ниқоҳлаб олди. Муҳаммад билан тўққиз ойдан зиёд бирга яшарди. «Уйимни соғиндим» деганида у Ватанига жўнашига изн берди.

Муножотхон ҳам дугонеси Эрга-

лик билан шуғулланишга мажбур қилди. Орадан беш ой ўтиб, у юртига қайтди. Уни йўлдан урган Мастура опаси эса Туркияда қўлиб кетди. Кўр-кўрни қоронғуда топади, деганларида хорижда танфуришлик қилиб «тажриба» ортирган, фаҳш ботқоқига ботган аёллар энди қўшмачиликни касб қилиб олишиди. Та-



ёнида қирғизистонлик Фулом ва Немайтилоларнинг кўлига топширди. Қизилқир орқали улари ўш шаҳрига олиб борган «ҳожатбарор»лар ҳовли йўллардан бирига жойлаб, орадан бир неча кун ўтган ўш-Дубай йўналишида учувчи самолётга билетларни олиб беришди. Ўшдаги хонадондан турганларида БААга бориб, ҳар бирилар ислотхоналарда ўн миң доллардан пул ишлаб беришга мажбур этишлари кўлига қалинган аёллар паспортларини қайтариб беришни талаб қилди. Бирок, уларга энди ортда йўл йўқлигини ўқтириб, самолётга чиқариб қўйишди. Самолёт учиб қолганда қолганда Қирғизистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари йўловчиларни аэропорт биносига қайтариб тушириб, такроран ҳужжатларини текширишганида 60 нафардан зиёд, шу жумладан, Ўзбекистоннинг фуқароларнинг паспортларида чет элга чиқишга рухсат — виза йўқлиги аниқланди. Улар изларига қайтишди. Шу тарихқа алданган аёлларнинг хориждаги ислотхоналарда мажбуран фаҳш ботқоқига ботишларининг олди олинди. «Жувон савдоси» билан шуғулланган жинийчиларга эса суд тегишли жазо тайинланди.

Мирзоҳид ДЕҲҚОНОВ,
Фаргона вилоят прокурори
ёрдамчиси

Умиджон КОДИРОВ,
Фаргона вилоят прокурори
ёрдамчиси

Жувон савдоси

...Москва шаҳридан учиб келган самолёт Тошкент аэропортига қўнди. Траждан тушиб келган аёлни МХХ ходимлари қарши олишди. Замиранинг (исм ўзгартириб берилган) паспортда чет элга чиқиш учун рухсат виза йўқ эди. Дастлабки сўроқда аниқланишича, 2005 йил ёз ойларида у Хулкар исми танишига визасиз чет элга чиқишга ёрдам беришини сўраб мурожаат қилди. Хулкар таниши Даврон ёрдамида уни айланма йўллар билан Қирғизистонга ўтказиб, Фуломжон деган ўшлик оғайнисига топширади. Фуломжон унинг паспортларини олиб, Дубай шаҳрига уяётган

«ГАЗ-24» автомобилда киракашлик билан шуғулланарди. Киракашлик қилиб юриб йўловчилардан бири Эргашов билан танишди. Гап орасида у Бирлашган Араб Амирликларида салкам бир йил яшаб, турмушга чиқиб, мўмай даромад орттиргани, хориждаги эри оз-оздан пул жўнатиб туришини сўзлаб берди. У ўн икки йил аввал эридан ажрашганди. Фаргонада яшовчи корейс аёл билан танишиб қолди. Раё унга Араб Амирликларида тил ўрганиб, дўконларда яхшигина пул ишлаб топиш имкониятлари ҳақида кўпиртириб сўзлаб берганида ҳуши бошидан

шоҳи каби хорижда яшаш ҳақисини олган эди. Унинг турмуш ўрғони ўн уч йил аввал вафот этганди. 2000 йил май ойларида Қирғизистоннинг Туркестон вилоятида яшовчи таниши Мастура хон опа тагин Туркия сафарига отлангани, ҳўп деса бирга олиб кетишини айтиб қолди.

— У ерда нима қиламан? — сўради Муножот.

— Абхазиялик бир танишим бор, ёғлиқ иш топиб беради, — деди Мастура опа.

Туркияга боргандан кейингина у алданганини билди. Абхазиялик кўшмачи уни ислотхонада фоҳиша-

ниш-билиш аёлларга хориждаги афсонавий турмуши, қисқа фурсатда кўп пул ишлаб олиш имкониятларини ошириб-тошириб гапириб бериб, йўлдан оздирига бошлашди. Мўмай хизмат ҳақи эвазига Бирлашган Араб Амирликларига ёш-ёш жувонларни алдаб жўнатишга киришишди. Эргашовнинг бошқа шаҳарлардаги Муножот каби гушталари чет элга бориш истагидаги аёлларни унга рўпара қилишди. У Даврон ёрдамида ҳеч қандай расмий рухсатнома — виза олмаган жувонларни Фаргона туманининг Шохимардон йўлидаги чегара пости

Яхши яшашин, фаровон турмуш кечиршини ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Бугун ана шу ният рўёби йўлида кўпчилик юрдошларимиз чет элларга бориб ишлаш ҳаракатига тушиб қолганликлари ҳеч кимга сир эмас. Бу эса афсусли, айрим виждонсиз кимсаларга жуда кўп келмоқда. Шу боис кейинги вақтларда лугатимизда «траффик», яъни одам савдоси деган ибора пайдо бўлди. Бу масала дунё миқёсида глобал муаммолардан бирига айланиб бораётгани эса ташвишли ҳол, албатта.

Чортоқлик Абдувоҳид Ботировни ҳам шайтон йўлдан урди чоғи, мана шундай жирканч йўл билан бойлик тўплаш пайига тушди. Узи икки-уч йилдан буён Қозғистонга катнайдди. Ававалига ҳалол меҳнат қилиб, ишига яраша пул топиб юрди. Аммо бора-бора қўлга қанот қилмай

нинг ҳавойи ваъдаларига учиб, пушаймонда қолишди. Уларга ҳам «Узоқнинг бугудойдан яқининг сомони яхши» деган мақолнинг маъзини чақиш анча қимматга тушди. Аламзада алданганлар фарибгар ҳамқишлоқлари устидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига ариза бердилар.

Жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2006 йил 17 августдаги ҳукми билан Абдувоҳид Ботиров айбли деб топилиб, 5 йил муддатта озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган эди. Бирок ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизда қонунлар инсонпарвар эканлиги, жиний жазолар тобора либераллашиб бораётганига барҳамиз гувоҳимиз. Ана шу жихатларни ҳисобга олиб, Чортоқ тумани прокурори ҳужудан норози бўлиб, жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судига апелляция протести киритди. Ўз навбатида А.Бо-

Ҳавойи ваъдадаги учганлар ёхуд одам савдоси ҲАҚИДА

қўйди. Энди бели оғирмай нон ейишни хоҳлаб қолди. Уйлай-уйлай «бизнес»ни ўз ҳамқишлоқларидан бошлашга қарор қилди.

2004 йил декабр ойининг бошлари эди. Абдувоҳид ўзи билан бир кўчада яшовчи Абдусаттор Тожибоевнинг хонадонига «таширф буюрди».

— Агар ўнлингизни мен билан бирга ишлаш учун Қозғистонга юборсангиз, пичонгизчи мой устида бўладим, — гапни чуваллаштирмай, дангалига кўнчи қўя қолди у. — Ойига 200 миңг сўмдан иш ҳақи олади. У ерда новвойлик билан шуғулланади, иши ҳам жа-а оғир эмас. Шароитлари ҳам зўр. Егани олдида, емагани ортида бўлади...

А.Тожибоев ҳам икконилаб ўтирмади. Ҳамсоғимиз-ку, алдамас, деган ўйга борди. Ўгли Умаржонни унга қўшиб, Қозғистонга жўнатди.

Аммо, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, маҳалладоши ўлини қозғистонлик қандайдир Осбон исми йилгитга сотиб юборганини эшитиб, жиянбайорни чиқди. А.Ботиров қишлоққа қайтиб келганида Умаржонимнинг ёнига олиб борасан, дая қаттиқ туриб олди. У четда «ишлаш» учун яна бир неча болаларни ёллагач, биргаликда йўлга тушди. Қозғистон Республикасига етиб боришга, Абдувоҳид ўглини қўриш ўмидада келган отани ҳам бошқалар билан бирга сотиб юбориб, жуфтакни ростлаб қолди. Наҳора, бошга ташганини кўз кўрар экан. А.Тожибоев у ерда уч ой ишлаб берди. Шу муддат давомида амал-тажал қилиб, аранг уйига қайтиб келди. Лекин ўгли билан урчалошмади. Кейинроқ уни юртига қайтариш ота икки миллион сўмга тушди.

Худди шунга ўхшаб Т.Халилов, И.Ризаев, Ф.Маматов, Х.Тотубаев сингари 15 нафар фуқаро ҳам Абдувоҳид

тиров ҳам апелляция шикоятчи эди.

Шу йилнинг 19 сентябрь куни мазкур иш апелляция инстанцияси судида кўриб чиқилди. Гарчи биринчи боқиқ суди томонидан судланувчи содир этган жиний ҳаракатлар Жиноят кодексининг 135-моддаси, 3-қисми билан тўғри малакаланган бўлса-да, А.Ботировнинг муқаддам судланмагани, қилмишдан чин қўнғилдан пушаймонлиги, фуқароларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплагани, давтоғарларнинг унга нисбатан ҳеч қандай давлолари йўқлигини апелляция судлов ҳайъати инобатга олди. Судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш мақсадга мувофиқ деб топилиди.

Шундай қилиб, жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг апелляция инстанцияси суди А.Ботировнинг апелляция шикоятини қисман ҳамда Чортоқ тумани прокурори келтирган протестни қанотлантириб, ойга оғлиқ иш ҳақидан 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қўлиш шарти билан 3 йил муддатта алоҳқ тузатиш иш жазосини тайинлади.

Албатта, биринчи сафар Абдувоҳидни инсонпарварлик тамойилларига асосланган қонун қамондан сақлаб қолди. Қолаверса, ҳамқишлоқлари ҳам у тубайли не-не машаққатларга дуч келишган бўлса-да, кеңиримлик, баркирлик қилиб, суддан унга нисбатан энгиллик беришни сўрадилар.

Энди ҳамма гап Абдувоҳиднинг ўз қора қилмишларидан тўғри хулоса чиқаришида қолди, холос.

Маъруфжон ЭҒАМОВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошмиси

Иш излаганлар қисмати

2006 йилнинг ўтган даврида Қашқадарё вилоят прокуратурасига халқаро-ҳуқуқий масалаларга оид келиб тушган мурожаатлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилди. Натжалар шуни кўрсатдики, ариза шикоятларнинг сони 2005 йилнинг биринчи ярмига нисбатан 28,6 фоизга ошган.

Мурожаатларнинг аксарият қисми хорижий мамлакатларнинг юридик ва жинсий шакллари билан алоқалар ҳамда чет давлатларга иш излаб кетиб, саргардон бўлган фуқаролардан тушган ариза шикоятлардир. Вилоят ИИБнинг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган даврида хорижга чиқиш ҳақида бор-йўғи 10 нафар (2005 йилнинг шу даврида 12 нафар) фуқаро расман мурожаат қилган, холос. Аслида эса қанчадан-қанча оила бошлиқлари, қиз-ўғил фарзандлари меҳнат қилиб, пул топиш мақсадда республикамиз ҳудудидан норасмий чиқиб кетишганлиги ҳаммамизга маълум.

2005 йилнинг 6 ойида хорижий давлатлардан иш топиб бераман деб, фуқароларни алдаб олиб кетаётганлар, норасмий йўллар билан ўз уйларидан чиқиб кетаётганлар, алданиб иш ҳақларини ололмагандан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидан айрилиб, пулсиз, бошпанасиз уйларига қайтиб келолмаётганлар тўғрисида вилоят прокуратурасига биронта ҳам ариза тушмаган бўлса-да, жорий йилнинг ўтган даврида бундай аризалар сони 33,3 фоизни ташкил қилди. Жўмладан, Шаҳрисабз туманида яшовчи фуқаро Ш.Меликов 15 нафар шахсни Россия Федерациясига қуришли ишларига жойлаштиришни, 300-350 АҚШ долларидан ойлик маошини ваъда қилган. Уларни Россияга олиб кетиб, бир йил давомида ишлатган, лекин ҳақини бермаган. Алданган фуқаролар фарибгарлик йўли билан олиб келинганлиги ҳақида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёзма маълум қилишиб, Ш.Меликовга қонуний чора қўришларини сўрашган.

Мазкур ҳолат бўйича олиб борилган терговолди текшириш натижаларига кўра, Ш.Меликов ва бошқаларга нисбатан жиноят иш қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Яккабоғ туманида яшовчи фуқаро Рамазон Хушвақтов ҳам норасмий равишда Иркутск шаҳрига бориб, оғзаки шартнома бўйича Куйтун туманидаги меҳмонхонани таъмирлашга келишди. Бирок меҳмонхона таъмирдан чиққач, меҳмонхона бошлиғи унга иш ҳақини бермасдан, тан жароҳати етказиб қувиб юборган. Ҳам моддий, ҳам маънавий зарар қўрган Рамазон Хушвақтов соғлиғи тикламаётганлигини маълум қилиб, ёрдам сўраган. Вилоят прокуратураси ушбу аризани ўрганиб чиқиб, 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган «Фуқаролик, оилавий ва жиний ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Конвенция талабларига асосан тўпланган ҳужжатларни Республика Бош прокуратурасига юборди.

Шунингдек, Шаҳрисабз туманидан фуқаро Г.Бозоров, Фаргона вилоятдан Р.Усмоновлар ҳам айнан шу масала юзасидан вилоят прокуратурасига мурожаат қилишган.

Хулоса шунки, юқорида кўрсатиб ўтилган ноҳуш ҳолатлар юзага келмаслиги, фарибгарларнинг мақри қурбони бўлмасликлари учун, ававало, фуқаролар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг жойлардаги бўлиmlарига, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига қарашли Тошкент минтақавий бюросига расмий равишда мурожаат қилишлари шарт. Агар бунга қатъий риоя қилинса, ортиқча ташвиш ва сарсон-саргардонлик ҳамда ноҳуш вазиятларнинг олди олинган бўлур эди. Зеро, ўзга юртларда акалли ўз уйига қайтиш учун имкон тополмаётганларнинг тақдир бошқаларга сабоқ бўлиши лозим.

Санобар РАЖАБОВА,
Қашқадарё вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

2004 йил сентябр ойининг ўрталари. Соат миллари эрта-лабки унларга яқинлашиб қолган. Нодир эринибгина ўрнидан турди. Ваннахонага ўтиб ҳафсаласиз ювинган бўлди. Бир неча йиллардан буён ишсиз юрган Нодирнинг шошадиган жойи йўқ эди. У нима қилишни билмай йўл ошхонага, бир меҳмонхонага ўтиб охири телевизори ёқди. Ёстиққа ёнбошлаб энди ётганида ҳамки, эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Нодир ётган жойидан кўтарилиб ўтириб олди. «Ким бўлиши мумкин? Яна ЖЭКдан келмадимкин?». У шуларни хаёлидан ўтказиб, ўрнидан турди. Секин бориб, эшик тирқишидан қаради. Мутлақо бегона одамлар.

— Ким у? — Нодир секингина сўради.

— Банкдан келдик. Нодир Қодиров шу ерда яшайдими? — Ҳа, шу ерда.

Нодир банкининг мен билан қанақа иши бор экан деган ўйда эшикни очди.

— Ассалому алайкум! Биз «Ўзуйжойжамгармабанк»нинг меҳнат бўлиmidанмиз. Нодир Қодиров сиз бўласизми?

— Ҳа, мен бўламан. Тинчликми?

— Сиз бундан тўрт ой ол-

ни неччи?.. Нимага билмайсиз?.. Ахир...

Нодир қийин аҳволга тушиб қолганди. Эшик олдида банк ходимлари кредитни қайтаришни сўраб турибди. Бир пайтлар 30 минг сўм эвазига бир қанча қоғозларга қўл қўйдириб олган, ҳозир жуда керак бўлиб турган таниши Ҳасан эса ҳозир еру кўкда йўқ. Наҳотки уни лақиллатишган, кимлардир кўнғирчоқ қилишган бўлса?

Афсуски, Н.Қодиров бундай ҳолатга тушиб қолганларнинг биринчиси эмасди. Д.Йўлдашев ва Ҳ.Қосимовга ўхшаган айрим устамонлар банк ходимлари билан зимдан келишиб, ўнлаб ана шундай

шига секин шипшиди.

— Бу бола ҳам ўзимиздан.

Фақат ҳар эҳтимолга қарши бунга ҳам бир-икки сўм...

— Бўлди-бўлди, гап бўлиши мумкин эмас, — меҳмон шундай деб, кейин қўлини кўксига қўйганича қўшиб қўйди: Бизда ҳам қолиб кетмайди, худо хоҳласа, Баҳодир Ҳамзаевич!

Банк бошқарувчисининг хонасидан чиққан Диёр Йўлдошев тўғри Фурқатнинг олдида борди.

— Машина олмақчиман



имзолаб, М.Мирзақулова номига «Нексия-Донс» русумли автомобил сотиб олиш учун «Тошвилоятавтотехизмат» АЖ ҳисоб рақамига 9 млн. 522 минг сўмни ўтказиб берди. Диёр Йўлдошев эса бу ўтказилган маблағга «Тошвилоятавтотехизмат» АЖ автосалонидан «Нексия-Донс» автомобиллини олиб чиқади. Ва ўша кунгиде Сергели машина бозоридан уни сотиб юборади.

Бу воқеа 2004 йил 20 феврал кунини бўлиб ўтганди. Эътибор беринг 20 феврал. Айни шу

Буларини ўқиб туриб, наҳотки шунчалик ўз ҳақ-хуқуқини билмайдиган, 20-30 минг сўм эвазига тўғри келган қоғозга имзо қўйиб юборадиган ана шундай одамлар ҳам бор бўлса, деб ўйлаётгандирсиз. Буни қарангки, шундай фуқаролар ораимизда кўп топилаётган экан.

Гувоҳ Н.ҚОДИРОВ кўрсатмадан:

Ҳасан Қосимов билан қўшни бўлиб яшайман. Ҳеч қачонда ишламай ишсиз юрган вақтимида бир кун Ҳ.Қосимов уйимга келиб, паспортимни сўради. Мен нимагалигини сўраганимда, у менгиз номимга «Нексия» машинаси олинишни, бу машинани кейин фирма сотиб олиб, фирманинг номига расмийлаштирилишини айтди. Бунинг эвазига 15 минг сўм беришини айтган, қийин аҳволда бўлганим учун

«Улгуржи» автокредит

дин бизнинг бўлимдан автокредит олган экансиз. Шунча вақт оралиғида тўлашингиз керак бўлган суммани тўламагансиз.

— Нима? Автокредит дедингизми? Бўлиши мумкин эмас.

— Нимага ундай деясиз? — банк ходимлари ҳам таажубланиб қолишди. — Нодир Қодиров сиз бўласизми ахир?

— Ҳа, менман. Лекин...

Банк ходимлари қўлидаги папкани очиб, қандайдир қоғозларни олиб Нодирга кўрсатишди.

— Мана бу уй адреси сизникими? Манави имзолар-чи, бу ҳам сизникими?

Нодир ҳангу манг бўлиб қолганди. Адрес ҳам, имзолар ҳам уники. Ўз қўли билан қўйган.

— Тўғри, менинг номимга кредитга машина олинган. Лекин у машинани бир ҳафта ўтмай бошқа бир фирма сотиб олган-ку. Машина фирманинг номига ўтган бўлиши керак...

— Тўхтаг-тўхтаг, нима деясиз? Бу ерда, — улар ўзларидаги қоғозга ишора қилишди, — ҳеч қанақа фирма тилга олинмаган. Автокредит сизнинг номингизга олинган, вассалом.

— Тўхтаб туринглар. Бу англашловчилик бўлиши керак. Мен ҳозир кўнғироқ қилиб олайин.

Нодир телефонда керакли рақамларни терди. Бироз ўтиб у қўдан жавоб келди.

— Алло, Ҳасан?.. Йўқ... нимага йўқ бўлади?.. Кўл телефо-

фуқароларни чув туширишганди.

Ҳали ёш бўлса-да, Фурқат Файзиевнинг ҳаётида анча омади кулиб боқди. Ўқишни битириб, банк тизимига ишга ўтгандан буён ошиғи олчи бўлиб борди. Аввалига «Ўзуйжойжамгармабанк»нинг меҳнат бўлимига экспедитор, кейинроқ мутахассис, 2004 йил 12 январдан буён эса меҳнат бўлимига қарашли «Сергели» минибанкида 1-тоифали мутахассис лавозимида ишлаб бошлади. Топиш-тутиши яхши, унинг олдида илтимос билан келадиганлар кўпайиб қолган эди. Турган гапки, илтимослар ўз-ўзидан бажарилиб қолмасди.

Кунлардан бир кун минибанк бошқарувчиси Баҳодир Муҳаммедов қандайдир сабаб билан Фурқатни олдига чақириб қолди. Қилаётган ишларини йиғиштириб, Фурқат хўжайинининг олдига шовди. У кириб борганида хонада яна бир киши ўтирарди.

— Фурқат, манави акамиз бир неча автокредит олмақчи эканлар. Шунинг учун тез ҳал қилиб беринг.

Хўжайиннинг гапи қонун. Ҳажармаса бўладими?

— Хўп бўлади, Баҳодир Ҳамзаевич! Қани юринг-чи.

— Сиз бораверинг, бу киши ҳозир олдингизга борадилар.

Фурқат чиқиб кетгач, Баҳодир Муҳаммедов олдидаги ки-

денг. Ҳа, яхши қила-сиз.

— Ҳа, энди бир «Нексия» минайлик дедик-да.

— Унда керакни ҳужжатларни олиб келгандирсиз?

Диёр Йўлдошев суммасидан бир қанча қоғозларни олиб стол устига қўйди.

— Бу кредит қайтарилишини кафолатлайдиган корхона ҳақида маълумот бўлса керак. Яхши. Бу сизнинг паспортингиз... Ис, сизники эмас-ку?

— Фурқат ака, кредитни шу кишининг номига олсак, — у шундай деб беш боғлам 1000 сўмлик пулни Фурқат томонга сурди. — Энди буёғини ўзингиз келиштирасиз-да.

Пулни кўриб Фурқат ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди. Ҳозир биров кириб келадигандек, бир эшикка, бир пулга қараб қўярди.

— Қандай бўларкан-а?..

Шундай қилиб Диёр Йўлдошевнинг иши шиши. Фурқат Диёр Йўлдошевдан Муниса Мирзақулованинг паспорт нусхасини олиб, автокредит ажратилиши бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришга киришди. Лекин у кредит қайтарилишини кафолатлаётган корхонанинг ҳужжатлари сохта ёки ҳақиқийлиги ҳам эътибор бермай, банкнинг кредит комиссияси розилигисиз, автомобил харид қилиш учун кредит ажратилиши ҳақида ҳеч қандай шартнома тузмасдан хизмат фармойиши чиқариб берди. Кейин уни

**ёхуд бир
фирибгар, 16 «Нексия»
ва чув тушган
«ҳамтовоқ»лар**

кунини худди ўша банкда Фурқат билан Диёр Йўлдошев ўртасида яна бир олди-сотди бўлиб ўтди. Бу сафар Диёр яна бошқа бир фуқаро паспорти орқали унинг номига автокредит олишга эришади. Операциялар худди аввалгича такрорланади. Банкдан «Тошвилоятавтотехизмат» АЖ ҳисоб рақамига ўтказилган 9 млн. 522 минг сўмга Диёр Йўлдошев яна бир машина олиб чиқиб, уни ҳам машина бозоридан пуллаб юборади. Ишлар жуда силлиқ кетаётганди. Бир кунда иккита бир хил банк операцияси ҳаминдан қил суғургандек ниҳоясига етганди.

Орадан тўрт кун ўтиб Диёр яна ўша банкка қадам ранжида қилди. Бу сафар унинг папкасида яна бошқа фуқароларнинг паспорт нусхалари, кредитнинг қайтарилишини кафолатлайдиган бошқа корхоналарнинг сохта маълумотномалари бор эди. Фурқат уларни ҳам кўзни чирт юмиб, расмийлаштириб берди. Ахир бошлиқ айтган. Қолаверса, еган оғиз уялар деган гаплар ҳам бор.

Хуллас, Диёр Йўлдошев бу банк орқали 16 та автокредит олишга муяссар бўлди. Устамонликни қарангки, у бир кун-

бунга рози бўлдим... Мен билан турмуш ўртоғим қандайдир ҳужжатларга имзо қўйиб бердик. Нотариус аёл улар номига олинган автомобиллар бошқа кишиларга сотилганини ва ҳисобдан чиқарилганини айтди. Лекин на мен, на турмуш ўртоғим автомобилларни ҳам, уларни сотиб олганларни ҳам кўрмадик. Ҳ.Қосимов берган 30 минг сўмни рўзғорга ишлатиб юбордик...

Ана сизга локайдликнинг, ҳуқуқий саводсизликнинг яққол бир кўриниши. Фирибгарларнинг ширин гапларига ва арзи-мас хўрагига учиб, уларнинг тузоғига тушиб ўтиришди.

Икки ойда нақд 16 та автокредит ажратилишига сабабчи бўлган Фурқат Файзиев ҳам, фириб бериш ботида устасифаранг Диёр Йўлдошев ва гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам тегишли жазога тортилди.

Бу мақолани келтиришдан мақсад шундай устамонликларни ўйлаб топган фирибгарларни кўз-кўз қилиш эмас, балки паспортини бировага бериб юбориб, ўзи англамаган ҳолда турли ҳужжатларга қўл қўйган, охири-оқибат катта қарз бўйнига илиниб қолган оми фуқароларнинг аччиқ қисматидан сизларни оғоҳ эттирдим. Зора, бу кимларгадир ибрат бўлса.

Д.ПАРДАЕВ,

**Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим катта прокурори,
Фозил МАМАШАРИПОВ,
«Huquq» муҳбири**

Алкогол ичимликлар ислохоти

Кондитер ва тамаки саноатида ишлабтичи қелинаётган алкоголь моддаси ягона давлат автоматлашган инфор­мацион тизими таъсирдан чиқарилиши мумкин деб хабар беради «Интер­факс» агентлиги. Россия ҳукуматида бўлиб ўтган мазкур масала муҳокамасида ишти­рок этганлардан бирининг таъкидлашича, таркибида спиртли модда бўлган бошқа кўлаб ноозқовқат маҳсулотлари ҳам ушбу таъсир доирасидан холи бўлиши мумкин.

Аслида ФХХ(ФСБ)га қараши бўлган тармоқлардан бири томонидан ишлаб чиқилган бу тизим 2006 йилнинг 1 июлидан амалга киритилган бўлиб, ундан қўзланган мақсад корхоналар ва савдо ташкилотларидаги спиртли модда тўғрисидаги маълумотни мажбурий тартибда киритиб, сўнгра уни Федерал солиқ хизмати­га юборишди.

Аммо, ҳисоб-китобларнинг лозим даражада қилинмаганлиги нати­жасида, спиртли ичимлик билан савдо қилувчилар 2006 йилнинг 1 июлига қадар янги кўринишдаги акциз мар­касини ололмаганлар. 1 июлдан кейин эса эски кўринишдаги спиртли ичимликлар дўканлардан олиб қўйилган, чакана савдода спиртли ичимликлар деярли йўқолиб кетди.

Россия Федерацияси Сан­ок палатаси раиси Сергей Сте­пашиннинг сўзларига қараган­да, бунинг оқибатида давлат бюджет­и 15 миллиард рубл зарар қўрган.



Бойлар учун касалхона

Чукотка губернатори Роман Аб­рамович бойлар учун касалхона куриб беради, деб ёзади The Sunday Times.

Янги даволаш муассасаси Мос­кванинг жанубий-ғарбидида 3,5 гек­тардан ортиқ ерда барпо этилади. Клиника 400 дан ортиқ беморни қабул қилишга мўлжалланиб, унда 700 нафар шифокор ишлайди.

Муассасанинг VIP-ми­жозлари 67,5 кв.м. майдондан иборат бўлган палаталарда жойлашади. Ушбу па­латаларнинг ҳар бирида алоҳида ванна, ух­лаш хонаси, интернет ва факс алоқаси ус­қуналари, плазма­ли монитор ўр­натилиб, беморлар иш­ни шу ердан туриб бошқариш им­конига эга бўлишади.

Лойиҳа раҳбарларидан бирининг айтишича, курилиши 2007 йилнинг охирига қадар якун­ланиши режа­лаштирилган янги касалхона беш юлдузли меҳмонхонадан фарқи бўлмайди.

Газетанинг ёзишича, янги да­волаш марказининг иш­та тушиши ах­шигина «хамён»га эга бўлган рос­сияликларга малакали тиббий ёр­дам олиш учун хори­жга боришга зарурат қол­дирмайди.

БЕРЛУСКОНИ ЖАВОБ БЕРАДИ



30 октябр кун Италия суди собиқ бош ва­зир Сильвио Берлусконини коррупцияда ай­блаб, расман айб эълон қилди дейди Reuters ах­борот агентли­ги. Худди шу каби айбловлар британиялик адвокат Дэвида Миллсга нисбатан ҳам эълон қилинган.

Берлускони 1999 йили иккита суд жараёнида гувоҳ сифатида ишти­рок этган Миллсини сотиб олишда гумон қилин­моқда.

Тергов органларининг маълум қилиши­ча, 1997 йили Берлусконига Mediaset хорижий компаниясининг ўзига тегишли эканлигини суддан ашириш учун адвокатга 600 минг АҚШ доллари берган. Бундай келишув хорижий дав­лат­ларда, шу жумладан АҚШ ҳудудида ҳам теле­трансляция қиладиган Mediaset компанияси фаолиятдан олинмаган катта миқдордаги пулни солиқ қонун­чилигидан яширган ҳолда қўлга киритиш мақса­дида қилинган. Эндиликда Берлускони одил судловга тўсқинлик қилгани, британиялик эса ёлгон гувоҳ­лик учун жавоб бериши керак бўлади.

Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам эълон қилинган барча айбловларни инкор қил­моқда. Хусусан, Миллс Берлусконидан олган пулларни совға сифатида олганлигини таъкидла­моқда.

Мазкур иш юзасидан бўладиган суд жараёни 2007 йилнинг 17 мартага бел­гиланган. Италия қонунлари­га кўра, айбланувчилар бундай қилмишлари учун уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум этилишлари мумкин.

Лекин айрим мутахассисларнинг айтиши­ча, суд жараёни 2008 йилгача чўзилиши мумкин. Бу ҳолатда эса барча айбловлар жавобгарлик муддати ўтганлиги муноса­бати билан бекор бўлади. Энг қизиғи шун­даки, бундай чекловлар Сильвио Берлусконини партияси томонидан парла­мент сайловлари­да мағлубият қозонишдан бирмунча олдин амалга киритилган эди.

Музокаралар давом этади

29 октябр кун телефон орқали бўлган сўзлашувда Россия прези­денти В.Путин Эрон президенти Махмуд Ахмадинежадга ядровий дастур юзасидан музокараларни да­вом эттириши тақлиф қилган.

Эрон ташаббусига кўра ташкил қилинган мазкур сўзлашув да­вомида, Россия-Эрон ҳамкорлиги,

ядровий дастур юзасидан бўлаёт­ган масалалар муҳокама қилинган. Сўзлашув жараёнида В.Путин Рос­сия ҳамон музокараларни давом эттириш принци­пида турганлигини билдирган, дейилади РФ прези­денти матбуот хизмати тарқатган ха­барда.

Эсингизда бўлса, БМТ Хавф-

сизлик кенгаши Техронга 2006 йил­нинг 31 августига қадар уранини бойитиш ишларини тугаллаши ва ол­тилик давлатлари (Россия, Фран­ция, Германия, АҚШ, Хитой, Буюк Британия) томонидан ишлаб чи­қилган мувофиқлаштириш режаси­га кўра музокараларни давом этти­риши юклаган эди.

Аммо Эрон ўз ядровий дастури фақат тинчлик мақса­длари­га йўнал­тирилганлигини айтиб, Хавфсизлик кен­гаши­нинг талабини бажаришдан бош тортган. Лекин МАГАТЭ тарқат­ган маълумотда, Эрон ўз ядровий дасту­рининг тинчлик мақса­длари­га йўнал­тирилганлигини тасдиқлай ол­маганлиги таъкид­ланади.

Ҳибсга олишни сўради

Россия Бош прокуратураси Қир­гизистон Бош прокуратурасига тadbир­кор Борис Березовскийни Қиргизис­тонга келиши билан ҳибсга олиш тўғрисида хат юборди, дейилади РИА Новости манбаасида.

Хатда Б.Березовский Интерпол тизими бўйича қидирувда эканлиги ва у оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар­ни содир этишда гумон қилинаётган­

лиги тилга олинади. Шу билан бирга, РФ Бош прокуратурасида жорий йил­нинг 29 июль кун Б.Березовский Лондондан Бишкекга келиб, эртаси кун мамлакатни бемалол тарқ эт­ганлиги тўғрисидаги маълумот бор­лиги айтилади.

Березовский 2006 йилнинг ян­варида «Эхо Москви» радиостан­ция ваъдасида берган интервьосида РФ

хукуматини куч билан қўлга олиш устида иш олиб бораётган­лини билдир­ган. Шундан сўнг, Россия Бош прокуратураси Лондонга Березовскийни экстради­ция қилиш тўғрисида янги талабно­ма жўнатган.



Гумондорлар қўлга олинди

Скопье полицияси тўрт нафар Россия дипломат­ларини калтаклашда гумон қилган шахсларни аниқ­лади, дейилади Газета Ру тарқатган хабарда.

Манбаада айтилишича, гумон қилинаётганлар­нинг исм-шарифлари аниқланган бўлса-да, лекин расман айблов эълон қилинмагунча уларнинг шах­си маълум қилинмайди. Македония элчихонаси ҳозирча бу вазиятга изоҳ беришдан бош торт­тибди.



Айбдорликда тахмин қилинаётганлар полиция ёрдамида Маке­дония ташқи ишлар вазири Антонио Мило­шевский то­монидан ҳолатнинг объектив ва опе­ратив текшири­лиши тўғрисида­ги ваъдасидан кейин топилган.

Милошевский ИТАР ТАССга берган ахборотида, бундай вазият рўй берганидан жуда афсусдалигини ва воқеа ҳеч қандай сиёсий жиҳатга эга бўлмай, бу ҳеч нима билан оқлаб бўлмай­диган безорилик эканлигини таъкидлаган.

Хабарингиз бўлса, Россия элчихонасининг тўрт нафар ходимига қилинган бу таъжубу 29 октябр кун кечқурун Скопье­нинг марказий майдонидида «Тренд» кафе­сида рўй берган эди. Элчихона вакил­лари бир гуруҳ маст шахслар ҳужумидан қутулиб, кафедан чиқиб кетмоқчи бўлганларида, кафе хавф­сизлик ходимлари ҳам уларни калтаклашган. Элчи­хона вакилларини яқиндан ўтиб кетаётган полиция пат­рули қутқариб қолган.

Жиддий тан жароҳати олган дипломатлар Маке­дония пойтахти касалхоналаридан бирига ётқизи­либ, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилган.

Айни пайтда жабранувчиларнинг аҳволи қони­қарли деб баҳоланмоқда.

Ёрдам олиш таъқиқланди

«Юкос»нинг собиқ раҳбари Михаил Ходорковский ман­фаатларини ҳимоя қилаётган адвокат Юрий Шмидт томонидан берилган шикоятни Россия Олий суди қа­ноатлантириши рад этди. Ад­вокат шикоятда жазони ижро этиш органи томонидан белгиланган ички тартиб қондаларининг 15-пунктини амалдаги қонунчиликка зид деб топишни сўраган эди. Мазкур пункт талабига кўра, жазо ўтовчи шахслар бир-бирларига оз­иқ-овқат маҳсулотларини бери­ши таъқиқланади, деб хабар беради РИА Новости.

Адвокатнинг фикрича, маҳкумининг оз­иқ-овқат маҳсулотлари билан бўлиши ва уни бошқалардан қабул қилишининг таъқиқ­ланиши инсон шаънини қадрсизлантиришга олиб келади.

Аммо Бош прокуратура вакили бу ҳолатга изоҳ бера­ экан, халқаро қонунчиликда «инсон шаънини қадрсизлантиришга аниқ тушунтириш берилганлигини, шикоятда тилга олинган ҳолат маҳкумларнинг ҳуқуқларини камситиш эмаслигини билдирган.

Юрий Шмидт мазкур қондаларнинг ҳимоя учун муҳимлигини эслатган. Чунки Ходорковский бундай қилмиши учун икки марта маъмурий жавобгарликка тортилиб, 10 суткага жарима изолято­рига жойлаштирилган.

Шмидт рад этилган шикоятини Олий судга кассацион тартиб­да такрорлаш ниятида эканлигини билдирмоқда. Эслатиб ўта­миз, Ходорковский солиқларни тўламаганлиги ва жуда катта миқдордаги фирибгарликлари учун саккиз йилга озодликдан маҳ­рум қилинган. 2005 йилнинг октяб­ридан у жазони Чита вилоятининг Краснокаменск шаҳри­даги колонияда ўтамоқда.



23 октябр кун Жанубий Корея кир­гоқ­лари яқинида «Ҷики» кетган Россиянинг «Синегорье» юк кемасининг қидирув иш­ларини якунлаш тўғрисида Владивосток денгиз қутқарув-координация мар­кази

Қидирув бир неча кунга чўзилди

қарор қабул қилган эди. Аммо кейинроқ қидирув ҳудудида ҳавонинг яхшиланган­лиги ҳамда денгиздаги кўриш масофаси кенгайганлиги боис фаол қидирув иш­ларини 31 октябрга қадар давом эттиришга келишилди.

Марказининг маълум қилишича, Россия кемалари қидирув ишларини Хитой ҳуду­дий суварлида якунлаган бўлса-да, Жанубий Корея суварлидан ҳам маҳаллий пат­рул кемалари томонидан қидирув да­вом эттирилади.

Мазкур кема ҳалокатга учраганида

айрим хорижий ОАВда Хитой ҳамда Ко­рея ҳудудларида разведка ишларини олиб бориш учун атайлаб уюштирилган деган тахминлар ҳам бўлди.

Шу кунгача 18 нафар кема экипажидан 11 нафарининг ҳаёти сақлаб қолingan, 5 нафарининг эса мурдаси топилган. Улган­лардан тўрттаси «Синегорье» кемаси эки­пажи аъзолари эканлиги аниқланган.

Айни пайтда кема ҳалокати юзасидан қўзғатилган жиноят иши тергови Находка транспорт прокуратураси томонидан да­вом эттирилмоқда.

БИРЛАШИШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Россия газ жа­миати Президенти ва давлат Думасининг энер­гетика, транспорт ва алоқа қўмитаси бошлиғи Валерий Язев МДҲнинг ол­ти давлати — Белорус, Козогистон, Россия, Турк­манистон, Ўзбекистон ва Украина ишти­рокида альянс ту­зишни тақлиф қилди. Де­путатнинг сўз­ларига қараганда, альянс дунё газ захирасининг 50 фоизини назорат қи­лади. Бундан ташқари, агар Эрон ўзининг ядровий дастури билан боғ­лик муаммоларни ҳал қила о­лса, мазкур альянсга қўшилиши мум­кинлигини билдирди.

Лекин депутат Россия ҳудудида дунё газ захирасининг учдан бир қис­ми жойлашганлиги ва мамла­кат дунёда энг кучли газопро­вод тизимига эга бўлганлиги боис, альянсининг ташаббускори Россия бўлиши кераклигини таъкид­ламоқда.

Альянсининг ташкил топиши Россия газининг асосий истеъмол­чиларидан бўлган Европа Иттифоқи билан тенг ҳам­корлик қилиш им­конини беради. Аммо айни пайт­да Европа Иттифоқи Рос­сиядан Энергетик хартия­ни ратификация қилиши талаб қил­моқда. Мазкур хартиянинг ратификация қилиниши хорижий ком­па­нияларнинг Россия энер­гетик сек­торига эркин ки­риш им­конини беради. Шу боис ҳозир­гача уни ратификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилин­гани йўқ.



Россия бугунги кунда МДҲ дав­латларида олинаётган газнинг энг йирик экспорт­сиз саналади. Хусусан, «Газпром» газни Турк­манистондан Украинага ва ундан газопро­вод тизими бўйлаб Евро­пага етказиб беради.

Хизмат тақозоси билан 5-сонли тергов хибхонасида кўп бўлганман. 1975 йилда адвокат бўлиб иш фаолиятимни бошлаганимда ҳам, кейин терговчи, прокурор бўлиб ишлаганимда ҳам бу ерга кўп бора кирганман.

Одатда терговчилар кўпрок тергов хонасида бўлишди. Махбۇсларни эса терговчининг ёзма талабномасига кўра соқчилар тергов хоналарига олиб келишди.

Махбۇслар сақланадиган жойга терговчилар киритилмайдди. Бунга зарурат ҳам йўқ. Лекин вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаганимда махбۇслар ётадиган камераларга кириш, уларнинг сақланиш аҳоли, тергов ва суд органлари ёки хибхона маъмурияти устидан шикоят бор

йўқлигини текшириш ваколати менга берилган эди.

Шунинг учун бу тергов хибхонасидаги 51 та камераларнинг ҳаммасига бирма-бир кириб чиққанман. Камераларга кирганимда унинг шифти гумбазсимон эканлигига, девор ва хоналарнинг қалинлигига эътибор берганман. Хибхона ўрта-

сида келтирилган, лекин мадрасанинг номи кўрсатилмаган эди. 2004 йил декабр ойида ушбу хибхона Бухоро шаҳридаги 3-тергов хибхонасига кўчирилди ва ушбу турма бузила бошланди. Менинг ёдимга бу ерда қандайдир масжидми ёки мадрасами бўлганлиги тўғрисидаги гап тушди ва уни ўрганиш, жамоатчилик-

Сирли тош

сида майдонча ҳам бор эди. Уни ҳовуз қилиб, сув солиб қўйишган экан.

Хибхона маъмуриятдан «Нега хибхона қурилиши бошқача», деб сўраганимда, улар бу ерда илгари қандайдир масжидми, мадрасами бўлган экан дейишди. Лекин унинг номи, қачон қурилганлигини ҳеч ким билмас эди.

Хибхона паспортини ўрганганимда, унда хибхона 17-18 асрларда қурилган мадраса ўрнида қурилгани изоҳ тариқа-

ка етказиш истаги туғилди. Чунки тарих, маданият, маънавиятимизни ўрганиш касб танламамлиги, бу ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчи бўлиши керак.

Л.Маньковскаянинг «Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари» (Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 1979) китоби ёки бошқа китобларни ўқисангиз, бу қадимий метъорий ёдгорлик тўғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ. Чунки, бу ерга тарихчи ёки археологларни умуман киритишмаган. Уша вақтда

Муаммо

катта бир архитектура ёдгорлигининг турмага айлантилганлиги ким ҳам ёза олар эди.

Энди, имконият туғилганда нега ёзмаслигимиз, бор ҳақиқатни айтмаслигимиз керак. Афсуски, ҳамон ҳафсаласизлик, ўз ишига эътиборсизлик, ўзи бўларчилик давом этмоқда.

Битта мисол келтираман: бундан бир неча ой аввал Одина жомеъ масжидини тиклаш жараёнида узунлиги 153 см. бўлган уч бурчак шаклидаги қабр тошига ўхшаш тош топилди. Унинг икки томони ва олдида араб алифбосида битилган ёзувлар бор. Аммо, уни вилоятда ҳеч ким ўқий олмади. Ҳозиргача бу тош тақдир, келиб чиқиши, энг муҳими ундаги ёзувлар мазмунини сирлигича қолмоқда. Наҳотки, Республикада унинг мазмунини чақадиган мутахассис бўлмаса? Мутасадди ходимларда эса бунга ҳафсала йўқ.

Сафар КАТТАБОЕВ,
Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси

Факт

◆ Жирафанинг бош мияси билан юраги ўртасидаги масофа 3,5 метрдан ҳам ошиши мумкин. Мана шундай баландликка қон етказиб бериш 7-8 кг. келадиган катта ва кучли юрак зиммасида.

◆ Вояга етган китнинг узунлиги 30 метргача етади. У қўпқаватли уй билан ёнма-ён қўйилса, думи 10 қаватгача етиши мумкин.


◆ Гепардлар ер юзидagi энг тез югурувчи ҳайвон ҳисобланади. Юрганида унинг тезлиги 96 км/с. гача етади.

◆ Оч бўри 10 кг. гўшг ейди. Одатда унинг «тушлик рациони» 2 килограммдан ошмайди.

◆ Европада 50 мингта айиқ мавжуд. Уларнинг 37 мингтаси Россияга тегишли.

◆ Яқин вақтгача лайлақларнинг овози йўқ деб ҳисобланарди. Кейинчалик маълум бўлишича, улар камдан-кам ҳоллардагина ундан фойдаланар экан.

Huquq
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2007 йилда ҳам сизга ҳуқуқий маърифат улашамиз
Индексимиз: — 931



Юртимизда куз

Балиқлар учун кокаин

Номалум кимсалар Португалия ва Испания қирғоқларига яқин денгизга 600 кг. дан ортқ наркотик моддани ташлашган. Ҳар бирида 22 килограммдан кокаин бўлган 30 та ана шундай пакетлар икки давлатнинг Ҳарбий денгиз флоты томонидан йиғиштириб олинган деб хабар беради АФР. Ҳарбийларнинг фикрича, норкокуръерларнинг йўлига қирғоқ қўриқчилари «гов» бўлган. Сирлари фох бўлишдан чўчиган кема экипажи наркотик моддаларни бордан улқотиришган.

Қизик, айна шу пайтда Португалиянинг Эвора шаҳрида ушланган испан миллатига мансуб 5 нафар шахсдан 9 кг. кокаин чиққан. Полициянинг таъкидлашича, ушбу наркокуръерларнинг оқоридаги жиноятчиларга алоқаси йўқ. Улар кокаинни Испанияга олиб ўтаётганларида қўлга олинганлар.



Турфа олам, турфа одамлар

«Прогресс» ниҳоят станцияга туташди

«РИА Новости»нинг хабар беришича, «Прогресс М-58» юк кемасининг Халқаро космик станцияга туташуви муваффақиятли амалга оширилган. Агентликнинг маълумотига караганда туташув тизими бу гал тўлиқ ишлаган. Эслатиб ўтаемиз, ушбу юк кемасини бағрига олган «Союз-У» ракетаси 23 октябрда Бойўнғир космодромидан орбитга кўтарилинди. 26 октябрдаги дастлабки туташув вақтида автоматик тизимнинг антенналаридан бирида носозлик вужудга келганди. Шундан кейин станция ва юк кемаси қисқа масофага ўзаро узоқлаштирилганди.



«Торо-Боро» сайёҳлик маркази

The Times газетасининг хабар беришича, Афғонистон ҳукумати Торо-Боро горини сайёҳлик марказига айлантиришни мўлжалламоқда. Маълумки бу фор «биринчи рақамли террорист» Усома бин Лоден томонидан бункер сифатида фойдаланганлиги учун машҳур бўлиб кетганди.

— «Торо-Боро»ни сайёҳлик маркази сифатида дунё аффор оммаси қайта кашф этилиши хоҳлайман» — дейди Нангахор провинцияси губернатори Гул Ахто Шерзоий. Бир пайтлар Шерзоийнинг ўзи ҳам собиқ дала командири эди. Эндликда у тинч қурилиш ишига бел боғлаган. Ҳозирча қурилиш ишларига 10 млн. доллар ажратилади. Фор ёнига мўъжаз ресторан, меҳмонхона қурилади. Бундан ташқари Жалобод шаҳри билан Торо-Борога боғловчи йўл ҳам таъмирланади. Ҳозирда фор умуман хавфсиз, тинч жойга айланган. Шунга қарамай бўлажак меҳмонхона жойини қўрқоқчи бўлган журналистларга йиғирмага яқин қўриқчи қўшиб берилади.

Саксонинчи йилларда бу бордан афғон мужоҳидлари советларга қарши урушда фойдаланганди. Кейинчалик «Ал-қоид»нинг жангарилари томонидан гордаги тунеллар тармоғи кенгайтирилди ва ўзаро туташтирилди. Бин Лоден эса 2001 йилда Америка қўшинлари ҳужумидан қочиб ушбу горга бекиннишга мажбур бўлганди.

Тери учун миллион доллар



Жанубий Кореянинг Миллий Университети профессори Хван У Сук товланмачилик йўли билан катта миқдорда маблағни талон-торож қилганлиқда айбланмоқда. Ушбу биолог профессор генетика билан шуғулланган. 2004 йилда у одам эмбриони клонланганлиги ҳақида шов-шувли хабар берганди. Теъдда ёлгоннинг «миси» чиққанди. Прокуратура томонидан олиб борилган текширувлар натижасида бошқа илмий натижалар ҳам қалбаклаштирилганлиги ва 2,9 млн. доллар талон-торож қилинганлиги маълум бўлиб қолди. Ушбу иш юзасидан бўлаётган судда Хван У Сук рус мафиясидан мамонт терисини сотиб олиш учун 1 млн. доллар сарфлаганлигини айтган.

2009 йил — Астрономия йили

Халқаро астрономия иттифоқи (International Astronomical Union) 2009 йилни «Астрономия йили» деб эълон қилди. Бундан мақсад дунё маданиятида ушбу соҳанинг ўрнини кенгайтиришдир, деб ёзилган ташкилотнинг веб-сайтида.

2009 йилнинг астрономия йили учун танланиши бежиз эмас. Шу йили орбитада Galileo халқаро суъый йўлдошлар тизими тўлиқ шаклланиб бўлади. Дунёда аввалгиларидан бир неча қарра улкан бўлган обсерватория очилади. Ва ниҳоят буюк олим Галилео Галилей томонидан телескопнинг кашф қилинганлигига тўрт юз йил тўлади.



ОНОЛАР ЕМИШКИ...

Қонуи паноҳида бирлашган одамларнинг ўз оқди-ларига қўйган мақсадлари шуидан иборатки, айрим шахслар томонидан қалинадиган зўравонлик ва адолатсизликнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун улар шу йўл билан ижтимоий ҳокимият туздилар.

Г. МАБЛИ

Қонуи — майда пашшалар илиниб, ийриқлари кутулиб кетадиган тўр эмас.

О. БАЛЬЗАК

Қонуини ҳимоя қилолмайдиган, журъатсиз одамлар учун қонуи беҳудадир.

Т. МАКОЛЕЙ

Ҳеч бир қонунга бўйсунмаслик ўзини ва жотбахш ҳимоялаш маҳрум этиш демакдир, зеро, қонуилар бизни бошқалардангина эмас, ўзимиздан ҳам асраб турмоғи керак.

Г. ГЕЙНЕ

Huquq

юрдик газета

Та'сисчи:
Ўзбекистон Республикаси
Бosh
прокуратураси

Бosh муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Jahongir MAKSUMOV

Тahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK,
Sherzodxon QUDRATXOJAYEV, Fozil
MAMASHARIPOV (mas'ul ko'ib)

Тahririyat manzili:

Тoshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Тelefon: 133-98-82, 133-10-53.

WWW.HUQUQ.UZ

E-mail: info@huquq.uz.

Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Газета 0'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida

023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'satkichi — 231

Тahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 1356. 11 871 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va nashrlandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV

Musohabchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NIM bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonamiz: Тoshkent shahar, Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 12345'

Газета haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda